



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 224 (11.785)

Баҳоси эркин нарҳда

## Кичик бизнес

## МАҚСАДГА ЯРАША ҲАРАКАТ

**Мамлакатимизда хорижий инвесторлар учун яратилган қулайликлар, ҳуқуқий ҳимоя кафолатлари иқтисодий, шунингдек бошқа соҳаларга чет эл сармояларини кенг жалб этишда замин бўлмоқда.**

Шунинг баробарида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришда, мамлакатимиз экспорт салоҳияти ортишида, қўшимча иш ўринлари яратилишида ҳам хорижий сармоядорларнинг ҳиссасини алоҳида таъкидлаш лозим.

«Mar Plast» хорижий корхонаси маҳсулотлари ҳам ички бозор доирасида турли соҳаларда қўл келадиган бўлса, Қозғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Афғонистон давлатларига ҳам экспорт қилинмоқда. Бу, албатта, корхонада жохон андозаларига мос маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилганидан дарақдир.

— Замонавий технология асосида бир қатор афзалликларга эга йирик ҳажмли пластмасса идишлари ишлаб чиқарамиз, —

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



дейди корхона директори Юлия Тулякова. — Маҳсулот экологик тоза полиэтилендан тайёрланади, узоқ муддат хизмат кўрсатади, темир идишларга нисбатан афзаллиги шундаки, емирилмайди, 25-30 йил ишлатиш мумкин. Хорижий технологик линиялар қувватидан унумли фойдаланиб, бюртмачи талаб ва эҳтиёжини мунтазам ўрганишга ҳаракат қиламиз. Ҳозирда янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш устида изланишлар олиб борилмоқда.

Корхонада бюртмага кўра 250 литрдан 10 тоннагача бўлган идишлар тайёрланади. Қарийб икки йиллик фаолият давомида бу ерда озиқ-овқат ва кимё саноати учун турли ҳажмдаги пластик маҳсулот ишлаб чиқарилиши

йўлга қўйилди. Бу борада «Шўртангаз» саноат мажмуаси билан хом ашё етказиб бериш бўйича ҳамкорлик йил сайин кенгайиб бораётгани ҳам эътиборлидир.

Айни пайтда 16 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган корхонада бюртмалар кўпайиб, ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда. Шу боис келгуси йилда қўшимча цехлар ташкил этиб, янги иш ўринлари яратиш кўзда тутилган. Шунингдек, маҳсулот турларини кўпайтириш, экспорт ҳажмини янада ошириш режалаштирилган. Бугунги саъй-ҳаракатлар эса мақсадга яраша бўлмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА  
Ҳакимжон Солихов олган сурат

**Замонавий Ўзбекистон ва Қатарни бугунги кунда тарихий ҳамжиҳатлик, дўстлик ҳамда ўзаро ҳурмат ришталари боғлаб туради. Икки мамлакат халқларининг фаровонлиги йўлидаги ўзаро манфаатдорлик алоқалари бугунги кунга келиб ҳамкорликнинг янада жадал суръатлар билан давом этишида мустаҳкам асос яратади.**

## ЎЗБЕКИСТОН — ҚАТАР: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб ўз ташқи сиёсатида араб давлатлари билан икки ва кўп томонлама асосда яқин ва ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Сўнгги йилларда сиёсий мулоқотларнинг ривожини ва мустаҳкамланиши доирасида ҳамда савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришда Ўзбекистон ва Қатар давлати ўрта-сидаги ҳамкорликнинг сезиларли даражада фаоллашуви кузатилмоқда.

Худуди жиҳатидан кичик бўлишига қарамадан, Қатар араб мамлакатлари ўртасида юксак нуфузга эга давлатлардан бири саналади. У газ захираларининг ҳажми бўйича жаҳонда учинчи ўринда бўлиб, суўлтирилган газни экспорт қилувчи асосий мамлакатлардан. Табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш, иқтисодийни модернизациялаш, инновацион технологияларни самарали қўллаш усулларини Қатар давлати мисолида ўрганиш мумкин. Шу билан бирга, бугунги кунда Қатар бир қатор соҳаларда, хусусан, нефтни қайта ишлаш, нефть ва кимё, кимё, металлургия каби тармоқларда ривожланишнинг юқори даражаларига эришган, тезкор тараққий этаётган мамлакатдир. Мазкур давлат банк-молия фаолияти, савдо ва хизмат кўрсатиш каби соҳаларда ҳам юксак имкониятларга эга.

(Давоми 2-бетда)

## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

19 ноябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисини шу йил 3 декабрда Тошкент шаҳрида чақиритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Кенгашда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси парламенти юқори палатасининг бўлажак ялпи мажлисида асосий масала Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусида ҳамда мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишда Олий Мажлис Сенати ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини кучайтириш борасидаги вазифаларни муҳокама қилишдан иборат бўлади.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокама-сига Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Давлат бюджетини, шунингдек, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ва либераллаштиришда, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишда муҳим роль ўйнаши керак бўлган бир қатор Ўзбекистон Респуб-

ликаси қонунларини киритиш режалаштирилмоқда. «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги, «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15- ҳамда 18-моддаларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

Сенатнинг бўлажак ялпи мажлисида сенаторлар «Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенцияни (Париж, 2005 йил 19 октябрь) ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқадилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Олий Мажлис Сенати кўмиталари ва Девонининг тўртинчи ялпи мажлисини тайёрлаш ва ўтказиш борасидаги иш-ни мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан махсус ишчи гуруҳ тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

## ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ «ОИЛА — мустаҳкам кўрғон» шиори остида «Соғлом авлод учун» жамғармаси шаҳар таянч маркази томонидан Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юртида давра суҳбати уюштирилди.

✓ «СИФАТ — иқтисодий ривожланишнинг муҳим омил» — ушбу мавзуда «Ўзстандарт» агентлигида илмий-амалий конференция ўтказилди.

✓ ШАЙХОНТОХУР тумани хотин-қизлар кўмитаси томонидан бир қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг 85 йиллигига бағишланган кўргазмали анжуман бўлиб ўтди.

✓ ЖИСМОНИЙ имконияти чекланганларни реабилитация қилиш маркази Япониядан келтирилган замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

## ЖАҲОНДА

• Перуда йирик йўл транспорти ҳодисаси содир бўлди. Воқеа мамлакат жанубидаги Андауайлас музофотида юз берган. Бу ерда йўловчиларни олиб кетаётган автобус жарликка кулаган. Оқибатда 17 киши ҳаётдан кўз юмган, 15 нафар одам тан жароҳати олган.

• Кучли ёғингарчилик Англия жануби-ғарбидаги Корнуолл графлигида катта талафотларни келтириб чиқарди. Хусусан, сурункали ёмғир туфайли бу ердаги автомобиль ва темир йўлларда кўчкилар содир бўлди.

• Германиянинг «Air Berlin» авиакомпаниясига қарашли самолётлардан бирининг юқонасидан портловчи қурилма топилди. Бу ҳолат Намбия пойтахти Виндхук халқаро аэропортида аниқланган.

• Маълумки, Гаитининг шимоли-шарқида октябрь охирида вабо эпидемияси бошланган эди. Бугунги кунда эпидемиядан қурбон бўлганлар сони бир минг бир юз кишидан ортиб кетди. Вабо аломатлари билан 18,4 мингга яқин киши шифохоналарга ётқизилди. Вабо ўнта департаментнинг етти тасида кенг тарқалган.

• Ироқ президенти Жалол Талабоний мамлакатнинг собиқ бош вазир ўринбосари Тариқ Азизга нисбатан чиқарилган ўлим ҳукмига имзо чекишни рад қилди. «Reuters» АА маълум қилишича, президент 74 ёшли касалдан қарияни ўлимга маҳкум этишни хоҳламади. Маҳкум жорий йил бошида оғир инсультни бошидан ўтказган.

# ЎЗБЕКИСТОН — ҚАТАР: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қатар араб давлатлари орасида биринчилардан бўлиб Ўзбекистон мустақиллигини эътироф этган (1991 йил 30 декабрь). 1997 йил 27 ноябрда эса Ўзбекистон Республикаси ва Қатар давлати ўртасида дипломатик алоқаларни ўрнатish тўғрисидаги Қўшма битим имзоланган.

Ўзбекистон учун Қатар билан ҳамкорлик қилиш Араб дунёси давлатлари билан савдо-иқтисодий, сиёсий, транспорт ва коммуникация ҳамда маданий-гуманитар каби соҳаларда янада самарали ҳамкорликнинг янгида-янги истиқболларини очиб беради. Ўз навбатида, Қатар Ўзбекистон билан муносабатларга устувор аҳамият қаратиб, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан минтақавий ва халқаро миқёсда олиб борилаётган бунёдкорлик ҳамда амалий характерга эга сиёсатни юқори баҳолайди.

1997 йилда Қатар давлати Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Абдурахмон ал-Атий бошчилигидаги делегациянинг юртимизга амалга оширган ташрифи икки томонлама алоқаларнинг ривожланиши йўлида муҳим илк қадам саналади. Шундан сўнг Қатар ҳукумати бир қатор делегацияларнинг мамлакатимизга ташрифлари Ўзбекистон — Қатар муносабатларининг янада мустақамлашишига хизмат қилди. Хусусан, 2000 йилнинг май ойида Қатарнинг транспорт ва коммуникациялар вазири Шайх Аҳмад бин Фалих ал-Соний мамлакатимизга ташриф буюрди.

2006 йил ноябрь ойида Қатар Ташқи ишлар вазирлигининг махсус вакили Солих Иброҳим ал-Кувайрий бошчилигидаги делегация юртимизда бўлди. Мазкур ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларини учрашувлар ҳамда музокаралар ўтказилди.

Иброҳим Абдурахмон ал-Мугайибнинг Қатар давлатининг Ўзбекистон Республикасидаги (қароргоҳи Техронда жойлашган) элчи-

си этиб тайинланиши Қатарнинг икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга бўлган интилишининг ёрқин ифодасидир.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг Қатар давлатидаги (қароргоҳи ал-Кувайтда жойлашган) элчисининг тайинланиши мамлакатимизнинг Қатар билан ҳар томонлама ўзаро алоқаларни ривожлантириш ва мустақамлашга бўлган саъй-ҳаракатлари тасдиғидир.

Қатар томони Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шу йил октябрь ойида Туркменистонга амалга оширилган расмий ташриф чоғида билдирилган "Ўзбекистон-Туркменистон-Эрон-Ўмон-Қатар" йўналиши бўйлаб Марказий Осиё минтақасини Форс кўрфазини давлатлари билан боғловчи истиқболли транспорт-коммуникация тармоғи лойиҳасини ишлаб чиқиш тўғрисидаги ташаббусларга катта қизиқиш билан қарамоқда.

Икки томонлама алоқаларни ривожлантириш билан бир қаторда Ўзбекистон ва Қатар Бирлашган Миллатлар Ташкили, Ислоом конференцияси ташкилоти ва бошқа халқаро ҳамда минтақавий тузилмалар доирасида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бугунги кундаги хавфсизлик, терроризмга қарши кураш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бошқа кўлаб долзарб масалаларда икки мамлакатнинг қарашлари муштарак ва бир-бирига яқиндир.

Қатар Ўзбекистоннинг 2006 ҳамда 2009 йилларда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг ноидомий аъзоллигига, шунингдек, 2005 йилда БМТнинг болалар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш кўмитасига, 2006 йилда БМТнинг Халқаро ҳуқуқ комиссиясига ва 2007 йилда БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашига ўтказилган сайловларда Қатарни қўллаб овоз берганини юқори баҳолади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Қатар Ўзбекистон Президенти Ислоом Каримовнинг 2006-2008

йилларда Марказий Осиёни ядровий қуроллардан холи ҳудуд деб эълон қилиш тўғрисидаги ташаббусини маълумлаш овоз берди.

Ҳар икки давлатда савдо-иқтисодиёт соҳасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришни фаоллаштириш учун кенг имкониятлар мавжуд бўлиб мамлакатларимиз савдо, инвестиция, энергетика, ахборот технологиялари, телекоммуникация ва туризм соҳаларидаги муносабатлар кўрсаткичларини ошириш бўйича улкан салоҳиятга эгадирлар.

Таъкидлаш керакки, Қатар ва Ўзбекистонни яқинлаштирувчи яна бир аҳамиятли омил мавжуд. Яъни етакчи халқаро молия институтларининг баҳолашларига кўра, бугунги кунда мамлакатларимиз миллий иқтисодиётини диверсификациялаш ва модернизациялашнинг кенг кўламли дастурларини амалга ошириш орқали иқтисодиётини жадал суръатларда ўсаётган дунёнинг беш мамлакати сафидан жой олган. Ҳар икки давлатнинг сайёҳаракати экспортда хом ашё улушини камайтириш ва тайёр маҳсулот кўламини оширишга йўналтирилган.

Ёш ўзбек скрипкачилари Алия ва Лилия Бекриовалар Қатар миллий театри томонидан 2008 йил октябрь ойида Доҳада ташкил этилган маданий тадбирда қатнашиб, мамлакат санъат арбоблари томонидан юксак эътирофларга сазовор бўлишди.

Шунингдек, жорий йил октябрь ойида Доҳа университетига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" номли китобининг араб тилидаги нашри тақдими бўлиб ўтди. Тақдирим маросимида Қатар давлатининг сиёсий-иқтисодий ва эксперт-таҳлилий доираси вакиллари, университет профессор-ўқитувчилари, сиёсатшунос-олимлари, тарихчилар, жамиятшунослар, талабалар ва журналистлар иштирок этди. Мазкур китоб қатнашчилар томонидан катта қизиқиш билан қўлиб олинди ва юқори баҳоланди.

Хусусан, Қатар университети профессори Ойша Юсуф ал-Манаи хоним Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг "Юксак маънавият — энгил-

барияти Ўзбекистон раҳбарининг амалга оширилажақ ташрифи икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни мустақамлашга хизмат қилишига умид билдирмоқда.

Қатар давлати Бош вазирининг ўринбосари ўз ташрифи чоғида Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда "Ўзбекнефтьгаз" миллий холдинг компаниясида самарали учрашувлар ўтказди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Қатар ўртасидаги муносабатларнинг муҳим йўналишларидан яна бири, бу — маданий-гуманитар соҳадир. Қатарда дунё фани ва маданияти тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган Мовароуннахрнинг буюк алломаларига юксак эҳтиром билан қарашади. Бу эса икки мамлакат ўртасидаги гуманитар алоқаларни юксалтиришда мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Ёш ўзбек скрипкачилари Алия ва Лилия Бекриовалар Қатар миллий театри томонидан 2008 йил октябрь ойида Доҳада ташкил этилган маданий тадбирда қатнашиб, мамлакат санъат арбоблари томонидан юксак эътирофларга сазовор бўлишди.

Шунингдек, жорий йил октябрь ойида Доҳа университетига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" номли китобининг араб тилидаги нашри тақдими бўлиб ўтди. Тақдирим маросимида Қатар давлатининг сиёсий-иқтисодий ва эксперт-таҳлилий доираси вакиллари, университет профессор-ўқитувчилари, сиёсатшунос-олимлари, тарихчилар, жамиятшунослар, талабалар ва журналистлар иштирок этди. Мазкур китоб қатнашчилар томонидан катта қизиқиш билан қўлиб олинди ва юқори баҳоланди.

Хусусан, Қатар университети профессори Ойша Юсуф ал-Манаи хоним Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг "Юксак маънавият — энгил-

мас куч" китобини катта қизиқиш билан ўрганиб чиққанигини таъкидлади.

"Агарда ушбу китоб ахлоқий, маънавий ва диний низоомлар мажмуаси, мамлакат раҳбари томонидан ёш авлодга улкан меҳр ва хурмат билан изҳор этилган ўзбек халқининг асосий ахлоқ қоидалари ва қадриятларидир, десам, янглишмаган бўламан. Ўзбекистон Президентининг асарига аҳолининг айнан ана шу қатламига мурожаат қилинган. Унинг ёшларнинг қалби ва онгига соғлом турмуш тарзини, умуммиллий қадриятларга ҳурмат ҳиссини шакллантириш зарурлиги ҳақидаги, уларни ватанпарварлик, умумқабул қилинган маънавий-ахлоқий аъёнлар руҳида тарбиялаш хусусидаги мулоҳазалари таҳсинга сазовордир. Ўзбекистон Президентининг Ислоом Каримовнинг мамлакатда демократик, ҳуқуқий ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги саъй-ҳаракатларини пай-пайлама билан уларга муносиб баҳо бермаслик мумкин эмас. Ўзбекистон тараққиётининг ҳақиқатан ҳам аҳамиятлидир. Тарихий жиҳатдан қисқа давр ичда мамлакат барча йўналишларда мислсиз ривожланишларга эришди", деди у, жумладан.

Шунингдек, тақдирим иштирокчилари томонидан Ўзбекистон Президентининг асари, бу — миллий маънавий жиҳатдан бойиши ва ривожланишига хизмат қилувчи қомусий асар ва унда замонавий жамиятнинг тараққиёти учун англошиш зарур бўлган бугунги қарашларнинг концептуал-амалий асосларига дахлдор мазмун ҳақида фикр юритилган, деган мулоҳазалар билдирилди.

Буларнинг барчаси кўлаб умумий анъана ва маънавий қадриятларга эга икки мамлакат халқлари ўртасидаги ҳамкорликнинг янада ривожланишига мустақам асос бўла олади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислоом Каримовнинг Қатар давлатига амалга оширадиган ташрифи, шубҳасиз, икки томонлама муносабатларнинг бундан-да тараққий топишига хизмат қилади.

«ЖАҲОН» АА

# ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ — ҲУҚУҚ ҲИМОЯЧИЛАРИ

**Мамлакатимиз кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан илгариллаб борган сари суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар салмоқли натижалар бермоқда. Тадбиркорлик фаолияти ҳамда бозор муносабатларини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилиши янги нодавлат орган — ҳакамлик суди институтини яратиш ва ривожлантиришни зарур қилиб қўйди. Бу институтнинг фаолияти фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низооларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ҳужалик низооларини ҳал қилишга қаратилган.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг жорий йил 19 ноябрда Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида бўлиб ўтган мажлисида "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва унинг тузилмалари ҳузурида доимий иш олиб бораётган ҳакамлик судлари томонидан ижро этилишининг натижалари кўриб чиқилди.

Мажлисада қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида қабул қилинган "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қучга кириши муносабати билан 2007 йил 1 январдан эътиборан ҳакамлик судларини ривожлантиришда янги босқич бошланди.

Низооларнинг ҳакамлик судлари томонидан нисбатан қисқа муддатларда кўриб чиқилиши, ишни ҳакамлик судларида кўриб чиқиш ҳақидаги маълумотларнинг махфийлиги, судни ҳакамлик қилишнинг томонлари ташкил этиши мумкинлиги, ҳакамлик суди қарорининг мажбуран ижро этилиши давлат томонидан қафолатланиши низооларни ҳал қилишнинг қулай ва барқарор механизмга ҳамда ҳакамлик судларининг роли ошиб боришининг муҳим омилга айланмоқда. Чунотчи, агар 2007 йилда мамлакат бўйича 9 та доимий ҳакамлик суди ташкил этилган бўлса, 2010 йил 1 сентябрга келиб уларнинг сони 85 тага етди.

Муҳокама қилинаётган масалани ўрганиш шунинг курсатиши, барча ҳакамлик судларининг 14 таси (26 фоизи) Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва унинг тузилмалари ҳузурида ташкил этилган. Мазкур Қонуннинг 6-моддаси талабларига мувофиқ ҳакамлик судлари Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоят марказларидаги ҳудудий бошқармалари ҳузурида ташкил этилган. Ҳакамлик судлари мазкур қонун нормаларига ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан тасдиқланган Низом ва Регламентга мувофиқ фаолият кўрсатмоқда.

Ҳакамлик судларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Арбитражни ривожлантириш маркази томонидан бир қатор тадбирлар, жумладан, услубий семинарлар, давра суҳбатлари, радиоэшиттиришлар ва телевизион кўрсатувлар олиб борилмоқда. "Ҳакамлик суди қандай ташкил этилади", "Ҳакамлик судининг судьяси қандай сайланади", "Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги ҳакамлик судлари", "Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Арбитражни ривожлантириш маркази", "Ҳакамлик муҳокамаси ҳақида нималарни билиш керак" деган мавзуларда рисоалар чикарилди, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Арбитражни ривожлантириш марказининг веб-сайтида бепул маслаҳатлар бериш хизмати йўлга қўйилган. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги доимий ҳакамлик судларининг ҳаммаси суд мажлислари ўтказиладиган заллар, судьялар учун алоҳида хоналар, компьютер техникаси ва тегишли мебель билан таъминланган.

Шу билан бирга, масалани муҳокама қилиш асносида сўзга чиққан сенаторлар, судьялар, тадбиркорлик субъектларининг вакиллари, олимлар Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий тузилмалари ҳузуридаги доимий ҳакамлик судлари фаолиятидаги хато ва камчиликларга эътиборни қаратдилар, бу йўналишда бир қатор тақлиф ва тавсияларни билдирдилар, "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни сўзсиз ижро этилишини таъминлаш юзасидан янада самарали чоралар кўрилиши зарурлигини таъкидладилар. Бундан ташқари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига ҳакамлик судлари фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини кучайтириш, улар фаолиятини тарғиб қилиш масалаларига, бозор иқтисодиётини ривожлантиришда ҳамда жамиятни демократлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришда ҳакамлик судларининг роли ва аҳамиятига етарли эътибор бериш тақлиф қилинди.

Масалани муҳокама қилиш яқунлари бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Сенат кўмитасининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳужалик суди, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институтини, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вакиллари ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий тузилмалари ҳузуридаги ҳакамлик судларининг раислари, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

(ЎЗА)

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шаҳар ҳокими томонидан тасдиқланган чора-тадбирлар режасига мувофиқ фуқаролар йиғинларини компьютер ва мебель жиҳозлари билан таъминлаш ишлари ҳам ўз вақтида амалга ошириб борилади. Кейинги беш йил ичда 51 та маҳалла фуқаролар йиғини идораси учун янги бинолар қуриб, ишга туширилган. 151 та маҳаллада гузар марказлари очилган. 30 дан зиёд пойтахт маҳаллалари фаолларининг иш тажрибаси республика бўйича оммалаштирилмоқда. Айнан тажриба алмашишининг ўзига хос майдон сифатида, ўзини ўзи бошқариш органларининг имкониятларини намойиш этишда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Маҳалла кўни» байрамининг мотиви ўзгачадир. Бундай тадбирлар давомида кўрғазмалар, кўрик-танловлар ташкил этилиб, энг яхши оқсоқоллар ва фаоллар турли номинациялар бўйича рағбатлантирилади.

Маҳалла кўмакка муҳтожларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказидир. Умум-халқ байрамлари, шунингдек куз-қиш мавсуми олдида ўтказиладиган ҳашарлар айнан маҳалладан бошланиб, сўнг кенг қулоч ёяди. Бу йил мустақиллик байрами арафасида 127 та кам таъминланган оиланинг хонадони ҳашар йўли билан таъмирлаб берилди. Ўтган 9 ой давомида ҳошимлар маблаглари ҳисобидан муҳтожларга 1,2 миллиард сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди, 60 дан зиёд ёшларнинг ниҳоят тантаналари, 135 нафар болажоннинг суннат тўйлари ўтказиб берилди.

Аҳолининг фаол иштирокида маҳалла ҳудудларида 240 та спорт майдончаси туддан таъмирланиб, ўндан зиёд болалар ўйин майдончалари қурилиб фойдаланишга топширилди.

Умумхалқ ҳашарларидан тўпланган маблаглар ҳисобидан жорий йилнинг ўтган даврида маҳаллаларни қўшимча мебель ва компьютер билан таъминлаш мақсадида 174 миллион сўм сарфланди.

Маҳаллаларда спортнинг оммавий турлари бўйича болалар, ёшлар ҳамда оила-лар ўртасида босқичма-босқич мусобақалар ўтказиш анъанана айланган бўлиб, ҳар йили соғлом турмушни тарғиб этувчи бундай тадбирларда 10,5 мингдан зиёд ёш авлод вакиллари, шунингдек юзлаб ёш оилалар қатнашиб келади.

йўналиши бўйича айни пайтда 139 нафар фуқаро хунар ўрганмоқда.

Жойларда жамоатчилик тартибини мустақамлаш мақсадида фуқаролар йиғинлари ҳуқуқ-тартибот идоралари билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. Профилактика нозирларига бу борада жамоатчи посбон ва сардорлар яқиндан ёрдам беради. Жорий йилнинг ўтган даври давомида маҳалла посбонлари ва сардорлари кўмағи ва бевосита иштирокида икки мингдан зиёд жиноятлар очилган.

Шу билан бирга мониторинг давомида ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида муаммолар ва айрим камчиликлар ҳам аниқланди. Уларнинг аксарияти ташкилий масалалар билан боғлиқдир. Маълум бўлишича, баъзи туманларда маҳалла фуқаролар йиғинларига яратилган зарур шароитлар талаб даражасига жавоб бермайди. 456

# КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

та фуқаролар йиғини бино билан таъминланган бўлсада, шундан 155 таси маҳалла тасарруфида эмас. 101 та фуқаролар йиғини иккитадан хонада, 39 таси — биттадан хонада жойлашган. Вақолатли фуқаролар йиғини таркибида камда ўнтадан киши фаолият юритади. Маҳалла идоралари жойлашган биноларнинг аксарияти туддан ва жорий таъмирталабдор, айрим-айримда компьютер, мебель жиҳозлари, ҳаттоки телефон алоқаси ҳам мавжуд эмас.

Ўз навбатида, фаоллар билан мулоқот чоғида шу ҳам аниқландики, баъзи оқсоқоллар, масъул хотибларнинг билим ва малакаси бугунги кун талабига тўлиқ жавоб бермайди. Улар ўз вазифалари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари, йиғин таркибидаги комиссияларнинг асосий йўналишлари юзасидан маълумотга ҳам, етарли тажрибага ҳам эга эмас.

Ташаббускорлик, дадиллик кўрсатиш ўрнига, боқимандалик кайфиятидан ҳалос бўла олмаган баъзи оқсоқоллар қонун билан белгиланган вақолатларидан самарали фойдалана олмаган. Жумладан, қайд этилган қонуннинг 10-моддасига асосан маҳалла ҳудудида жойлашган корхона-ташкилотлар раҳбарлари фуқаролар йиғинида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш масалалари бўйича ҳисобот бериши лозим. Шу билан бирга ҳар чоракда бевосита маҳалла оқсоқоллари ва комиссиялар раислари томонидан фуқаролар йиғинида ўтган вақт ичда амалга оширилган ишлар хусусида ҳисобот берилши белгиланган. Аниқландики, бу борадаги ишлар аксарият ҳолларда номингагина қилинган, ҳисоботлар таҳлилларга асосланмаган, аниқ чоралар, шунингдек қўшимча вазифалар ҳам белгиланмаган. Баъзи маҳаллаларда тафтиш комиссиялари фаолияти йўлга қўйилмаган, қабул қилинган қарорлар устидан назорат ўрнатилмаган. Кам таъминланган оилалар учун нафақа ажратилиш ҳам қонунбузарликларга йўл қўйилганлиги аниқланган.

Яхши маълумки, қадриятимиз ҳисобланмиш маҳалланинг янада ривож топишига давлат сиёсати даражасида эътибор берилаётти. Ўзини ўзи бошқаришнинг ушбу ноёб тузилмаси аҳамияти Бош Қомиссиянинг алоҳида бобида ўз ифодасини топган. Бугунги кунда маҳалла институтининг қонунчилик базасини такомиллаштириш бўйича жараён давом этаётти. Фуқаролар йиғинлари тизимида мавжуд муаммо ҳамда камчиликларни бартараф этиш учун нима қилиш зарур? Ушбу савол йиғилишда ҳозир бўлган маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамда ҳокимлик мутасаддилари эътиборига ҳавола этилди.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Нозимиддин Бахтиёров, шаҳар Кенгаши депутatlари Сотиволди Бобоқулов, Бахтиёр Раҳмонов, Учқун Шаймуродовлар ўз чиқишларида маҳалланинг моддий-техник

негизини мустақамлаш, фуқаролар йиғини фаолларининг ҳуқуқий билимларини ошириш юзасидан фикр билдириб, бу борада ҳокимликлар, бевосита фуқаролар йиғинлари, шунингдек маҳалла ҳудудларида жойлашган ҳужалик субъект масъулиятини оширган ҳолда кучларни бирлаштириш орқали пировард мақсадга эришиш мумкинлигини таъкидладилар.

Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси Светлана Артикова мамлакатимиз Президентининг томонидан илгари сурилган фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш концепцияси устида тўхталиб ўтиб, маҳалланинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатида ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалар кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш долзарб аҳамиятга эга эканлигини қайд этди. Келгуси йилда ўтказиладиган оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш жараёнларига ҳам эътибор бериб, энг муносиб номзодларни танлаш, фуқаролар йиғини раислигига фидойи, дунёқароли ва тафаккури кенг инсонларни тавсия этиш зарурлиги юзасидан фикр билдирди. Таъкидланганидек, бугунги кунда нафақат маҳалла етакчиси, балки барча мутасадди ва мансабдор шахслар, ҳар бир инсон жамиятга рўй бераётган ижобий ўзгаришларга дахлдорлиги ҳисси билан яшаши лозим, шундангина эзгу мақсадлар ижобат бўлади.

Йиғилишда кун тартибидаги масала юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва тақлифларини инобатга олган ҳолда Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг қўшма қарори қабул қилинди.

Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари шунингдек давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимиз-

да демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мазмунидagi маърузасидан келиб чиқадиган бошқа вазифалар устида ҳам тўхталиб ўтишди. Маълумки, Президентининг давлат аҳамиятига молик муҳим вазифаларни ҳал этишда давлат ҳокимияти тармоқларини, хусусан, парламентни янада ривожлантириш ва мустақамлаш, сиёсий партияларнинг ролини ошириш, суд-ҳуқуқ тизимини, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, шунингдек демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётини либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббусларини илгари сурди.

Ушбу йўналишда жойларда маърузанинг мазмун-моҳиятини аҳолига чуқур етказиш мақсадида ишчи гуруҳлари ташкил этилиб, тегишли чора-тадбирлар режаси ҳам ишлаб чиқилди.

Депутатлар томонидан Олий Мажлис юқори палатаси Кенгашининг 2010 йил 29 октябрдаги «Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатининг 2009 йил 27 мартдаги «Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг ролни ва масъулиги тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар ҳам муҳокама қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясига ёрдам берувчи халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ишчи гуруҳи раиси Фарид Абдурахимова шаҳар депутатлик корпуси ҳамда Кенгаш таркибидаги доимий комиссиялар томонидан қайд этилган қарор ижроси бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида ахборот бериб ўтди. Айтиб ўтилганидек, ўтган вақт давомида Тошкент шаҳар Кенгашининг олтинчи доимий комиссиялари йиғилишларида тегишли бошқармалар ва туман ҳокимликларининг Инқирозга қарши дастур доирасидаги ҳисоботлари тингланди. Ўтказилган бешта Кенгаш сессияларида қабул қилинган қарорларнинг ижросини назорат қилиш бўйича чора-тадбирлар белгиланиб, амалга ошириб келинмоқда.

Депутатлар, Тошкент шаҳридан сайланган Сенат аъзолари томонидан сайловчилар билан учрашувларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, қабул қилинаётган янги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини етказиш борасида тушунтириш ишлари мунтазам йўлга қўйилган.

Ушбу масала муҳокамаси даво



**«Устоз отангдек улуғ», дейди доноларимиз. Бу борада айниқса шарафли ҳисобланган ва ўз навбатида, машаққатли ўқитувчилик касби ҳақида ҳар қанча таъриф ҳам камлик қилади. Бугунги кун ёшларининг муносиб илм олишида, ўз билими билан юксак чўққиларни эгаллашида ўқитувчиларнинг хизмати бениҳоя каттадир. Мақолаимиз қаҳрамони Гулбаҳор Сафоева ҳам ёшлар таълим-тарбиясида ўзига хос йўналишда фаолият олиб бораётган устоз ўқитувчилардандир.**

**Замондошларимиз**

**ИНСОНГА МУҲАББАТ ИЛМДАНДИР**

Таълим берган ўқувчиларнинг бугунги кунда республикамизнинг кўплаб корхона ва ташкилотларида халқ ишига камарбаста бўлиб хизмат қилаётгани Гулбаҳор Сафоеванинг энг катта ютуғидир. Устоз унинг битириб кетган ўқувчилари байрам арафаларида, кўтлуг кунларда гуллар билан уйига ташириб буюрганида, бутун чеккан заҳматлари ва чарқоқлари унутулиб, кўнглида ажиб бир хотиржамлик ҳис қилишни ҳаётининг энг лаззатли дамлари деб ҳисоблайди.

— Ўқитувчилик касбининг ўзига хос жиҳатлари бор, — дейди биз билан бўлган суҳбатда Ўзбекистон Миллий университети қолида академик лицейнинг инглиз тили ўқитувчиси Гулбаҳор Сафоева. — Чунки билим бераётган ўқувчингизга қаттиққўллик ва талабчанлик билан муомала қилмасангиз, у эркинроқ бўлишга ва зиммасидаги масъулиятни ҳис қилмасликка ўрганиб қолади. Тўғри, мен баъзан дарс жараёни-

да уларга жуда ҳам талабчанлик билан ёндашман, ҳатто кўнглимни ранжитган пайтларим ҳам бўлган. Аммо буларнинг ортида эзгуликка йўрилган, яхшиликка хизмат қиладиган, порлоқ келажак сари чорлайдиган мақсад мўжассам. Ўқувчилар ҳаётимнинг мазмунига айланган. Улар эришаётган ютуқларни кўрганим сари, ўз касбимга бўлган меҳрим ва ишончим ортиб бораверади. Жорий йилда ҳам ўқувчиларимнинг кўпчилиги олий ўқув юртига ўқишга кирди. Шундай дамларда ҳам йил давомида чеккан заҳматларим ва уйқусиз тунларим нурли бир ёлқиндай ёришиб кетади. Уларнинг муваффақиятларидан кўнглим тоғдек кўтарилади. Меҳнатларим зое кетмаганидан қувончман. Бу дунёда меҳнатнинг роҳатидай инсон умрига мазмун бахш этадиган туйғунинг фароғатлигига шукрона келтираман. Айни дамда ўқувчиларимни шахар ва республика олимпиада босқичларига кўнглим билан тайёрлап-



ман. Улардан умидим катта ва ишончманки, ишончмани оқлашади. Хар бир ўқувчим кўлга киритаётган муваффақият замирида тинимсиз изланиш ва интилиш мўжассам. Президентимиз ёшларга шунчалар имкониятлар эшигини очиб бераётган бир паллада, ундан унумли фойдаланмаслик сира мумкин эмас. Келажакимиз иқтидорли ёшлар қўлида экан, биз уларга ҳар томонлама ёрдам бериб, қўллаб-қувватлаб боришимиз, ўз билимларини мустақамлашида яқиндан туриб ёрдам беришимиз зарур ва шартдир. Истаганимиз, илм йўлида қадам ташлаётган, изланиб, интилаётган

ўғил-қизларимизнинг келажаги янада порлоқ, истиқболли ёрқин бўлсин. Бизга уларнинг энг бахтиёр ва ёруғ кунларини кўриш насиб этаверсин.

Ҳа, оламда маърифат нурини таратишдек шарафли касб йўқ. Гулбаҳор Сафоева қарийб йигирма йилдирки, ёш авлодга билим бериб, хориж тилларини ўргатишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. У олий ўқув юртини муваффақиятли тугаллаганидан сўнг, дастлаб иш фаолиятини мактабда, иқтидорли болалар ўқув муассасасида, 2004 йилдан бошлаб маъруза академик лицейда давом эттирмоқда.

— Ўзининг жонқуярлиги, изланувчанлиги, мустақам билими ва камтарлиги билан Гулбаҳор жамомизда алоҳида хурмат-эҳтиромга сазовор ўқитувчилар сирасига кирди, — дейди лицей директори Қаҳрамон Ибодуллоев. — Унинг ўзига хос дарс ўтиш услуби ва ўқувчилар билан мулоқот ўташи кўплаб ўқитувчиларга сабоқ бўлишга арийди. Ўқувчилар устозига меҳр билан интилади, ишонч билан ёндашади. Ўз навбатида, устоз ҳам бундай самимий муносабатни оқлашга ҳаракат қилади. Ўқувчиларимиз инглиз тили фани бўйича шахар ва республика олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллашда Гулбаҳор Сафоеванинг алоҳида хизматлари бор. Ишончманки, ўқитувчи деган шарафли касб номига барча ҳамкасбларимиз муносиб бўла олади.

Улуғ бобомиз Абдулла Авлоний айтганидек, «маърифатли халқ шижоатли бўлур. Шижоат қалбнинг матонатидан, руҳнинг саломатлигини иборатдир». Дарҳақиқат, ёшларимизнинг маърифатли, шижоатли, одоб-ахлоқи бўлиб вожага етишида устоз-ўқитувчиларнинг беқиёс хизмати таҳсинга сазовордир.

Гулҳа ДУРДИЕВА  
СУРАТДА: Гулбаҳор Сафоева ўз ўқувчилари даврасида

**2010 йил — Баркамол авлод йили**

**ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР АНЖУМАНИ**

**Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда “Меҳр нури” жамғармаси ҳамкорлигида таъсис этилган лойиҳалар – Иқтидорли талабалар учун стипендиялар, Таълим грантлари, Спорт грантлари дастурларининг 2010 йилги совриндорлари ҳамда Ёш тадбиркорлар мактаби битирувчиларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

Тадбирда олий таълим тизими мутасаддилари, фан, таълим, ахборот-коммуникация технологиялари, маданият ва санъат соҳаси намояндлари, жамоат ташкилотлари, юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди. Мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, пухта таълим-тарбия олиши учун зарур барча шароитларни яратиш давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидандир.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг илғор гоё ва ташаббусларини рўёбга чиқаришда фаол иштирок этаётган жамоат ташкилотларидан. Жамғарма томонидан мунтазам ўтказиб келинаётган маданий, илмий-маърифий, ижтимоий, спорт-соғломлаштириш, ахборот-коммуникация технологияларига оид лойиҳалар ёшларимизнинг мақсад ва интилишларига ҳамохандир.

Жумладан, Таълим грантлари дастури иқтидорли талабаларнинг олий таълим даргоҳларида билим олиш борасидаги имкониятларини кенгайтирса, Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури қобилиятли йигит-қизларни аниқлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Спорт грантлари дастури ёш авлод ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларни jisмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, бу йўналишда ютуқларга эришган йигит-қизларни рағбатлантиришга қаратилган. Ёш тадбиркорлар мактабида эса ўз бизнесига эга бўлиш истагидаги ёшларга ташаббусларини ҳаётга татбиқ этишда кўмаклашилади.

Қувончбек Садатдинов Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиалида телекоммуникация ихтисослиги бўйича билим олади. Фан олимпиадалари, турли кўрик-танловларда фаол иштирок этаётган бу изланувчан йигит Иқтидорли талабалар учун стипендиялар гранти совриндори бўлди.

— Юртимизда ёшларнинг билим олиши, қобилияти ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун барча шароит ва имкониятлар яратилган, — дейди ЎЗА муҳбирига Қувончбек. — Бу, биз, ёшларни янада фаолроқ бўлишга, Ватанимиз равнақи йўлида бор билим ва салоҳиятимизни сафарбар этишга ундайди.

Тадбирда лойиҳаларнинг голиб ва совриндорларига дипломлар топширилди.

**НАЗОКАТ УСМОНОВА**

**МАЪРИФАТЛИ ИРОДАЛИ ДЕМАҚДИР**

**Иккинчи республика тиббиёт коллежида «Ёшлар диний экстремизмга қарши» шиори остида давра суҳбати уюштирилди.**

Ўсиб келаётган авлодни иллатлардан асраш йўлида муайян ишлар қилинмоқда. Ўқув муассасаларида тегишли мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида ўтказилаётган турли тадбирлар ҳам ёшларни тўғри йўлдан оғишмай, билим ва ҳунар ўрганишида ташкил омил бўлаётди.

Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси, Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги, «Камолот» ЁИХ бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир аввалида диний экстремизм, миссионерлик ва терроризмнинг ёш авлод келажакига таҳдиди, билиб-билмай иллатлар домига тушиб қолган ёшларнинг тақдири ҳақида атрофлича маълумот берилди.

— Диний экстремизм ва терроризм халқаро ҳамжамиятни ҳавотирга солаётган глобал муаммолардан биридир, — деди «Туркистон-пресс» муҳбирига Ўзбекистон мусулмонлари идораси бўлими мудири Фотима Ҳақбердиева. — Бундай иллатлар замирида аввало илмсизлик ва тор дунёқараш ётади. Президентимизнинг «Жаҳолатга қарши маърифат билан» сўзларини шиор қилган ҳолда, ёшларимизни бу каби иллатлардан асраш учун улар нима билан машғул бўлаётганидан ҳар доим бохабар бўлишимиз зарур. Масалан, «Муслим» каби сайтларда диний йўлларга чорловлар билан ёшлар онгини қалғитишга уришлар ҳар биримизни огоҳ бўлишга ундайди, бу борада фарзандларимизга янгиликларни аниқлаш ҳолда тўғри қабул қилишида ёрдамлашимиз зарурдир.

Тадбирда янги қабул қилинган «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида ҳам сўз бориб, ижросини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Наргиза АСАДОВА

**Анжуманлар**

**ЖАМИЯТ ГУЛТОЖИ АЁЛ**

**Буюк алломаларимиз асарларида, хотин-қизларнинг олиб борган жасоратли ишлари, қаҳрамонликлари, садоқат ва вафо тимсолида буюк шахс қилиб яратилиши, ёш авлод камолати ва тарбияси йўлида алоҳида аҳамиятга эгадир.**

зилаётган тадбирларда, агар жоиз бўлса, қизлар етуқлиги ва уларнинг оиладаги асосий вазифалари, ибо, ҳаё янглиқ тарбияга тегишли бўлган жиҳатлар ҳақида сўз боришини истардим. Бугунги талаба қиз эртанги ҳаётнинг асл давомчиси, болаларнинг меҳрибон онаси, оиланинг саришта бекаси ва энг асосийси жамиятнинг фаол ва ишчан аъзоси ҳисобланади. У яратувчи, яшнатувчи муборак зотдир. Шундай экан, буюк алломаларимиз ўз асарларида таърифлаган хотин-қизлар жасорати ва мардлиги, оқилаю донолиги уларга хос хислатдир.

Тадбирда сўзга чиққан Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институ-

ти професор-ўқитувчилари ҳам яратилган шох асарларда аёлларнинг ўрни, улар олиб борган мардона курашлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирар экан, ўзбек хотин-қизларининг бугунги ютуқларига ҳам тўхталиб ўтишди.

Шунингдек, кутубхонага келтирилган янги китобларга қисқача шарҳ бериб ўтилди. Амалиётчи талабаларнинг саволларига библиографлар томонидан тўлиқ маълумотлар берилди. Тадбир ниҳоясида Тошкент маданият институти томонидан саҳналаштирилган лавҳа кўринишлар барчада катта таассурот қолдирди.

Гулнигор САТТОВА

**Мутахассис маслаҳати**

**БЕПАРВО БЎЛМАНГ**

**Совуқ тушиши бир қатор хасталикларни келиб чиқишига омилкорлик қилади. Цистит — қовуқнинг яллиғланиши бўлиб, халқ иборасида чакмазак дейилади. Пешоб ажратиш тизими аъзолари касаллиги сифатида цистит аёлларда ҳам, эркеклар ва болаларда ҳам учрайди. Бу касаллик қовуққа турли инфекциялар тушиши натижасида содир бўлади. Совқотиш, заҳда бўлиш, шахсий гигиени амаллари риоя қилмаслик, дудланган маҳсулотларни, зираворларни кўплаб истеъмол қилиш, қабзиятга мойиллик ва бошқа омиллар бу касалликнинг келиб чиқишига сабабчи бўлиши мумкин.**

Чакмазакда шиллик қаватнинг шикастланиши, гормонал нуқсонлар, дармон-дориларнинг етишмаслиги (авитаминоз), уродинамикадаги бузилишлар ҳам алоқадор бўлади. Касалликда бемор оз-оздан, тез-тез, ҳар 10-15 дақиқада пешоб ажратади, шунда у оғрик сезади, оғрик айниқса пешоб танқис қилганида ва пешоб ажратганидан сўнг зўрайиб, ловуллаш, ачишиш пайдо бўлади. Гоҳо пешобда қон ва йиринг бўлиши мумкин.

Касалликни даволашда қуйидагилар тавсия этилади:

- беморга тинчлик, сокинлик керак,
- парҳезга эътибор бериш лозим,
- кўплаб суоқлик ичиш талаб этилади,
- шифокор лозим кўрган шамчалардан фойдаланилади,
- инфекция ўчоқлари холи этилиши керак, зарур бўлса антибиотикларни қўллаш мумкин.

Касалликни ўткир даврида тўла ва тўғри даво қилинса, бемор соғайиб кетади. Акс ҳолда касаллик сурункали тус олиши мумкин.

Мабодо чакмазак билан дарданман бўлиб қолинса, синалган халқ табобати амалларидан ўз ўрнида фойдаланиш фойдаланган ҳол бўлмайди.

Майдаланган гулхайри гулларидан бир чой қошиқ олиб, бир стакан қайноқ сув қуйилса ва яхшилаб ўраб, икки соат дам едирилгандан сўнг дамламадан ярим стакандан кунига 3-4 маҳал овқатланишдан олдин ичилади.

Оқ қайин барглари майдалаб, ундан бир ош қошиқ солинади. Устига икки стакан сув қуйилиб, суст оловда қайнаш даражасигача ўн дақиқа қайнатилади. Бир соат дам едирилгач, сузилади. Дамламадан ярим стакандан кунига уч маҳал овқатланиш вақтида ичилади.

Қирқбўғимнинг майдаланган гиёҳидан хвос (дорихоналарда мавжуд) икки ош қошиқ микродорида олиниб, устига бир литр қайноқ сув қуйилади ва суст оловда ўн дақиқа қайнатилади, 20 дақиқа давомида дамланади. Сўнгра буғланган гиёҳ халтачага солиниб, иссиқ-иллик ҳолида қориннинг қуйи қисмига қўйилади. Бир вақтнинг ўзида ушбу ажратмадаги қайнатмадан бир стакандан кунига 2-3 маҳал овқатдан олдин ичилади.

Шифобахш ўсимликлар бўлиши тиллабш, розмарин каби гиёҳлар асосида «Канефрон» дориси мавжуд бўлиб, ҳатто гўдак ёшидаги болаларга ҳам тавсия этилади.

Агарда циститга хос ноҳушиқлар сезиладиган бўлса, албатта уролог-шифокорга мурожаат қилиш зарур.

Шаҳно НАБИЕВА,  
умумий амалиёт шифокори

**Халқимизда «Дарахт бир жойда кўкаради», деган нақл бор. Бунинг асл маъноси шундаки, инсон ўз касбини суйса, унга меҳр қўйиб, тажрибасини оширса, шу касб орқали ўзи ҳам ҳурмат-эътибор топади.**

**Ҳамшаҳарларимиз**  
**МЕҲНАТ ҚИЛГАН ЭЛДА АЗИЗ**

Раҳима Ақромбоева Тошкент трактор заводида қарийб 40 йилдан бери ишчи касбларидан энг машаққатли, қолаверса, энг оғири — темир босувчи сифатида ҳалол меҳнат қилиб келмоқда. Ҳа, «оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб, дарё бўлур», дегани шу бўлса керак. Оз-оздан темир парчасини тракторнинг зарур қисмига айланишини ўргана олган Раҳима Ақромбоевага гўё ўз ишидан ёқимлироқ иш йўқдай туюлади. Ахир ана шу деталлардан бутун бир трактор йиғилади. У эса инсонларнинг қорига ярайди — оғирини енгил қилади.

— Дунёдаги энг бахтли инсонлар ўз ишини соғиниб яшайдиганлар бўлса керак, — дейди Раҳима Ақромбоева. — Менинг ишим ҳам иккинчи уйимдек... Маҳобатли бино, темирларни ўз измига бўйсундира олганимда, металлга худди жон бағишлаб, далаларга кузатиб қўйганимда, сенинг меҳнатинг нақадар кераклигини ҳис қиласан. Балки ана шу ҳис мени бир жойда меҳнат қилишга ундагандир.

Меҳнат, агар у доимий бўлса, ҳақиқатан ҳам инсонни маҳоратга етказиши. Ҳозир Раҳима Ақромбоева кўзи билан ҳам чамалаб, деталдаги энг кичик нуқсонни кўриб, тузата олиши мумкин. Унинг кесган темирлари бирор миллиметрга керакли ўлчамдан силжимайди. Бу, албатта, тажриба, узоқ йиллик меҳнатнинг натижасидир. Раҳима Ақромбоеванинг кўллари металлни шунчалик енгил билан ўз измига бўйсундиради-ки, ҳайрон қоласиз.

Бешта фарзанд онаси, 17 та набрирою иккита эваранинг буви-жониси Раҳима Ақромбоева ҳали ҳам ҳар тонг ўз маҳобатли заводи ва дастгоҳи олдида ошиққади. Қирқ йилга яқин муддат қатнаган таниш кўчалардан ўтиб, ҳаётда ўз изини чуқурроқ қолдиршига шошади.

Унинг меҳнати давлатимиз томонидан муносиб рағбатлантирилган. Раҳима Ақромбоева 2002 йилда «Шухрат» медали, 2006 йилда «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан тақдирланган.

Меҳнат қилган элда азиз. Ҳа фарзанд тарбияси, ҳам оила ташвишларидан ортиб, «Тошкент трактор заводи» акциядорлик жамиятида узоқ йиллар давомида меҳнат қилиб келаётган Раҳима Ақромбоева ҳам кўпчилик орасида ҳурмат ва эъзоз топган инсондир.

Паризод СУЙОНОВА,  
Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси

**ОНАЛАРДАН БОШЛАНАР МАКТАБ**

Ёш авлоднинг соғлом бўлиши кўзда тутиб, оналар ва болалар репродуктив саломатлигини такомиллаштириш чора-тадбирларини янада кучайтириш мақсадида «Соғлом она — соғлом бола» дастури изчил амалга оширилмоқда.

Бундан кўзланган мақсад — ўсиб келаётган авлодни jisмонан саломатлигини тўла даражада таъминлашдир. Соғлом бола — соғлом авлод гарови демакдир. Бугунги кунда она ва бола саломатлигига кўрсатилаётган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилиши ҳам шу боисдандир.

Фарзандларнинг нафақат соғлом, балки таълим-тарбияси юқори бўлишида, инсонпарвар етуқ шахс сифатида шаклланишида аёлларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Мухтасар қилиб айтганда, инсонни қимматли бўлганга қай даражада тарбия бериши, уни илм соҳасига йўналтира олиши давлат тараққиётини белгилаб беради. Бундай улкан вазифани ўз зиммасига олган аёлларга бугунги кунда барча имкониятлар яратилган. Демократик ҳуқуқий жамият қуришни олдимизга мақсад қилиб қўйган кундан эътиборан аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва фаолияти давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларида аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган бўлиб, уларнинг жамиятда фаолият олиб бориши, ҳуқуқ ва бурчларини адо этиши таъминланаётди.

Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни кун сайин ўсиб бормоқда. Улар ҳар бир соҳада кўплаб ютуқларни кўлга киритаётган экан, бу жамиятимиз келажак учун муносиб ҳисса бўлиб хизмат қилади.

Умида МАҲМУДУҲҲАЕВА,  
Тошкент Ислам университети талабаси

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида полвонлар – эл-юрт гурури ва фахри мавзуида анжуман бўлиб ўтди.**

**ПОЛВОНЛАР — МИЛЛАТ ГУРУРИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, "Миллий тикланиш" демократик партияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати республика маркази каби бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, спортчилар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларимизни тиклаш ва асраб-авайлаш, миллий спорт турларини ривожлантириш ва уларни ёшлар ўртасида оммалаштиришга катта эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди. Кураш ва ўзбек жанг санъати каби миллий спорт турлари халқаро спорт турига айлангани ана шу эътиборнинг амалдаги самараларидандир.

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан спорт соҳасида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар туфайли ўзбек кураши 1998 йилда халқаро спорт тури рақиблари олдидан кўндалмақда. Кураш билан бугун жаҳоннинг 117 мамлакатидан вакиллари мунтазам шугулланмоқда. Кураш бўйича жаҳон ва китъа чемпионатлари, кўплаб халқаро турнирлар ташкил этилмоқда. Кураш Таиландда ўтказилган жанговар яккакурашлар бўйича I Осиё ўйинлари ва Вьетнамда ташкил этилган ёпиқ иншоотлардаги III Осиё ўйинлари дастурига киритилди. Кураш халқаро ассоциацияси тизимида ўзбек жанг санъатининг беш йўналишидан бири – жанг кураши бўйича Жанг кураши халқаро федерацияси ташкил этилди.

Ўзбек жанг санъати – жадал оммалашаётган спорт турларидан. Юртимизда 30 мингга яқин йигит-қиз 400 дан зиёд мураббий ва мутахассисдан ўзбек жанг санъати сирларини ўрганаётир. Ўзбек жанг санъати федерацияси WoMAU – Бутунжаҳон миллий жанг санъатлари уюшмасига аъзо.

Тадбирда ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш, соғлом турмуш тарзига жалб этиш, фахрий спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, атоқли полвонларнинг тажрибасини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш масалалари бўйича фикр алмашилди.

Оғир атлетикачилар мусобақасининг энг кескин ва муросасиз беллашувлари вазни 105 килограмм бўлган полвонлар ўртасида бўлди. Совринли ўринлар учун кураш асосан Ўзбекистон, Хитой, Қозғистон ва Жанубий Корея вакиллари ўртасида бўлди. Мусобақада штангани даст кўтаришда 182, силтаб кўтаришда 218, жами 400 килограмм натижа қайд этган ҳамюртимиз Иван Ефремов қозғистонлик Сергей Истомин ва Жанубий Кореядан келган Ва Сунг Кимни ортда қолдириб, кумуш медални қўлга киритди.

Академик эшак ашувчиларнинг эркаклар ўртасидаги яқкалик беллашувларида муносиб қатнашган Артём Кудряшов бронза медал билан тақдирланди. 23 ёшли истеъдодли спортчимиз терма жамоамизнинг қолган аъзолари – Сергей Тянь, Ефим Кузнецов, Александр Дидрих, Дамир Назурзаев, Абдурашул Мухаммадиев, Зафар Усмонов, Ботир Муродов ва Якуб Ҳамзаев билан ҳамкорликда яна битта бронза медалга сазовор бўлди.

Хотин-қизлар ўртасида яқкалик беллашувларида мамлакатимиз вакиласи – Зарина Михайлова учинчи ўрин билан кифояланди.

Шахмат бўйича жамоавий мусобақаларнинг биринчи турида Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси Мўғулистон вакиллари билан куч синашди. Осиё ўйинларида рапид – тезкор шахмат бўйича олтин медални қўлга киритган Рустам Қосимжонов, тажрибали гроссмейстерлар – Алексей Барсов, Антон Филиппов ва халқаро тоифадаги спорт устаси Жўрабек Ҳамроқуловдан таркиб топган

**«Осиё ўйинлари-2010»**

**МЕДАЛЛАР СОНИ ОРТМОҚДА**

**Гуанчжоудаги Осиё ўйинларида спортчиларимиз оғир атлетика ва академик эшак эшишда навбатдаги медалларни қўлга киритди.**

терма жамоамиз мўғулистонликларни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Хотин-қизлар мусобақасида Нафиса Мўминова, Ольга Собирова, Юлдуз Ҳамроқулова ҳамда Нодира Нодиржоновадан иборат жамоамиз Жанубий Корея шахматчилари устидан 4:0 ҳисобида галаба қозонди.

Теннис бўйича яқкалик ва жуфтлик беллашувлари ҳам қизгин давом этмоқда. Биринчи рақамда сараланган Денис Истомин иккинчи босқичда вьетнамлик Куан Мин До устидан 6:0, 6:2 ҳисобида зафар қучди ва кейинги даврада Жанубий Корея вакили Сук Ёнг Жеонг билан рақобатлашадиган бўлди.

Ўзбекистон чемпиони Важа Узоқов қирғизистонлик Георгий Котляревскийни 3:6, 6:0, 6:0 ҳисобида энди ва бош совин учун курашни давом эттирмоқда.

Хотин-қизлар ўртасидаги яқкалик баҳсларида Оқғул Омонмуродова индонезиялик Лавиния Тананта билан куч синашиб, рақибасидан 6:2, 6:2 ҳисобида устун келди ва чорак финалда япониялик Аюми Моритага қарши қоратта чиқадиган бўлди.

Жуфтликлар мусобақасида Альбина Хабибулина билан ҳамкорликда ўйнаётган Оқғул Омонмуродова Непал вакиллари – Малика Рана ва Аслеша Лиссаневичга ҳеч қандай имконият қолдирмади – 6:0, 6:0.

Авалги Осиё ўйинларида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган ўзбекистонлик боксчилар бу гал ҳам юқори ўринларни кўзламоқда. Терма жамоамиз сардори Элшод Расулов навбатдаги жангда эронлик Эҳсон Роузбахонийни 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ярим финалга йўл олди. Энди моҳир боксчимиз финал йўлланмаси учун хитойлик Фанлонг Менг билан беллашади.

Покистонлик Неъмат Неъматуллоҳни мuddатидан олдин мағлуб этган тажрибали чарм кўлоқ устаси Орзубек Шоимов ҳам навбатдаги босқичда мезбонлар вакили Жаивей Жангга қарши рингга чиқадиган бўлди. Хуршид Тожибоевга эса чорак финал йўлланмасини қўлга киритиш учун бир неча дақиқа кифоя қилди. У камбоджалик Софат Фални иккинчи раунддаёқ энди.

(ЎЗА)



**МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ**  
**ДОНОЛАР ХАЗИНАСИДАН**

Бир доно янги ва ёш шогирдига: — Мана бу нон билан чучварани палончи дўстимга элтиб бер, — деди.

Шогирд йўл-йўлақай чучварани ёб борди. Манзилга етиб, омонатни топширган бўлди. Орқасига қайтар экан, устоднинг дўсти: «Ой — бутун, юлдуз — ягон-ягон», — деди.

Шогирд бу сўзларни ўз мураббийсига айтди. — Аттанг, андак омонатга хиёнат бўлибди, — деди устод.

Чунки дўсти бежиз: «Ой — бутун, юлдуз — ягон-ягон» деб юбормаган, бу унинг «Нон бутун-у аммо чучваралар қамайиб қолибди» дегани эди.

Бир ёшгина қизча қўшнисидан чўғ сўраб чиқибди.

— Олақол, қизим, лекин куракчанг йўқ-ку, қандай қилиб олиб чиқиб кетасан? — дебди қўшни кампир.

— Рухсат бўлса бас, у ёғи осон, — дебди қизча. Қизалоқ кафтига кул ёзиб, кул устига чўғ қўйиб, бемалол кетаверибди.

Шунда қўшни: — Ақлнганга балли, қизим, деб орқасидан ҳавас билан қараб қолибди.

Одамлар гузардаги ямоқчидан: — Қандай қилиб сиз ҳамма нарсадан хабардорсиз, ҳаттоки кечаги тушган келиннинг ҳам хулқ-атворини биласиз? — деб сўрашди.

Ямоқчи: — Ҳамма нарсдан мени ўзларингиз хабардор қиласизлар. Юриш-туришларингиз, кийим-кечакларингиз, муомала ва ҳаттоки кўча эшикларингиз сизнинг кимлигингизни айтиб туради, — деб жавоб берди.

Кишининг хулқ-атворини дўсти билан гаплашиб билса ҳам бўлади.

Кимдир бўлғуси куёвни сўраб келди. Унга «куёв йўқ» дедилар. Шунда ҳалиги кимса:

— Куёв йўқ бўлса, унинг бирор дўстини кўрсатинглар, сўхбатлашайлик, — деди.

Бу билан у: «Куёвнинг дўсти — унинг акс-садо-си», яъни ўхшаш кишилар» деб ўйларди.

Икки амакивачча бўлган экан: бири новча, иккинчиси пакана. Замонанинг зайли билан пакана катта бир амалга минибди-ю бурни кўтарилиб қолибди.

Оддий қосиб бўлган иккинчи — новча амакивачча қаддини букиброқ юрар, икки қўлини кўксига қўйиб, ҳаммага тавозе билан салом берар экан.

Қуларнинг бирида амакиваччалар ёнма-ён кеттишаётган экан, иттифоқ уларнинг олдидадан бир чоқ чиқиб қолибди: новча юрғуна қараб кетаётганлиги учун чуқурни кўрибди-да, бир сакраб ўтибди, осмонга қараб, эран-қаран қилиб бораётган пакана эса, чоҳга тушиб кетибди.

Бир одамнинг қизига икки йигит совчи қўйди. Буларнинг бири камбағал, иккинчиси бой эди. Ота қизига: «Камбағалга тега», — деб маслаҳат берди.

— Сабаб, дадажон? — сўради қизи.

— Иккаласини ҳам танийман. Бой куёв — текинхўр ва аҳмоқ. У тезда камбағаллашиб қолади. Камбағал куёв — меҳнатқаш ва доно, у сени бахтиёр қилади, — деди ота.

Бир мамлакат подшосининг тасарруфидаги ерларга бошқа мамлакат подшоси бостириб кирибди. Биринчи мамлакат подшосининг жанг қиладиган чоғи йўқ экан. Нима қилишини билмай, гаранг бўлиб қолибди.

— Подшоҳи олам, урушга кираверинг, лекин жангдан сўнг душманга ош-нон тортинг, отларига эса ем-хашак беринг. Бир-икки кун шундай тадбир кўрсак, душман ҳайрон бўлади, сўнг сулҳ тузиб, орқасига қайтади, деб маслаҳат берибди доно вазир.

Подшо вазир айтганидек иш кўрибди. Икки кунлик оғир жангдан кейин ҳоким бош кашиб ўтирса, «Элчи келди» деб қулоғига етказишибди. Элчи подшога таъзим ила мактуб узатибди.

Мактубда: «Нон-тузингизга рози бўлинг, фаровон ҳаёт кирадиган, меҳмондуст халқ билан тинч-тотув яшашини истаимиз. Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом бер, деганлар. Нон-тузингиз хурмати сизни ҳам ўз диёримизда омон-эсон кўрармиз, деган ниятда остонангиздан қайтидик», деб ёзилган экан.

Бир ота ўғлини сафарга кузата туриб:

— Узоқ йўлни яқин қилиш учун дўстинг бўлсин. Агар ундай ўртоқ тополмасанг, қўлингга ҳасса бўлсин. Йўл узоқ бўлса-ю обод бўлса, шу йўл маъқул, йўл яқин бўлса-ю нообод бўлса — бу йўлдан юрмагин, кейин манзилга қош қораймай етиб олгин, — деб насиҳат қилди.

(Давоми бор)

**Кўргазмалар**

**ЧЕХРАЛАР ВА ҚИЁФАЛАР**

**Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида тошкентлик rassom Инна Сандлернинг «Нотўғри ўйинлар. Чеҳралар ва қиёфалар» деб номланган биринчи шахсий кўргазмаси очилди.**

— Кўргазманинг асосий мавзуси инсоннинг чеҳраси ортида нима яширинганини акс эттирувчи, шахснинг бетакдор ички дунёсига назар ташлашга имкон берувчи портретдан бошқа нарса эмас, — дейди мусаввир. — Чексизлик, вақт ва ички ҳаракат тушунчаларига боғлиқ равишда туғилувчи ҳиссийларимиз, ўй-фикрларимиз ва изтиробларимизнинг турли туслари яширингандир. Баъзида портретнинг «нариги томони» сингил кетгим келади... Портрет нафақат инсон қиёфасини шунчаки ифодалаш усули, балки тавсифсизни тасвирлашга уриниш ҳамдир.

Экспозицияда rassomнинг аралаш техникада қозғалган дастгоҳ-

ли графика асарлари, шунингдек мой-бўёқда ва қуруқ тасвир воситаларида матога ишланган портретлари ҳам намойиш қилинмоқда.

Республика rassomлик коллежи дизайн бўлимини тамомлаган Инна Сандлерга графикачи rassom Михаил Соркин устозлик қилган. Инна талабалик даврини эслаб, «бу йиллар мен учун тинимсиз ишлаш, ўз йўлимни излаш, илк кашфиётлар вақти бўлди» дейди.

«Бахт», «Туш», «Рашк», «Арфа ушлаган қиз», «Қора ва оқ» каби дастгоҳли туркум асарлардан иборат диплом иши Иннага ҳақиқий омад келтирди. Ўз асарларида ёш rassom ҳар бир даврда инсониятни ташвишлан-

тириб келган бахт, севги ва ҳаёт мавзуларида фикр юритди.

Инна китоб графикасида ҳам ишлаб бошлади. У болалар ва катталарга мўлжалланган бир қанча китобларни беэади.

Доимий ижодий изланишлар, атраф-борлиққа, одамларга бўлган муносабатни мушоҳада қилиш билан rassom тасаввурда янги-янги сюжетлар туғилди. Аждодларга, уларнинг мурақаб тақдирига бағишланган «Хотира» учлик асари бунинг самарасидир. Мусаввирнинг истеъдодини



Ўзбекистон халқ rassomi Медат Кагаров шундай баҳолайди: «Унинг сувбўёқ техникасида бажарилган график композициялари теран ақл-заковат, назмий шукҳуни намойиш этади. Инна қаламтаъсирнинг моҳир устаси, бу эса айниқса унинг портретларида кўзга ташланади».

**Дилором ИКРОМОВА**  
**Алексей Попов олган сурат**

**Шифобахш неъматлар**

**ХУРМО — ТАНГА ДАВО**

**Шундай мевалар борки, уларни чекланмаган ҳолда ейиш мумкин.**

Хурмо шундай шифобахш неъмат. Унинг ватани Хитой ҳисобланади, лекин қачон пайдо бўлгани номаълум. Фақат XVIII асрда биринчи пушти рангли мевалар Европага етиб келди. Баъзи маълумотлар бўйича, XVII асрдаёқ француз подшоси саройида бу ажойиб меваларни маза қилиб ейишган. Ўша вақтдаёқ Франция подшоси учун ушбу мевадан ҳар хил ширинликлар ҳам тайёрланган экан.

Ўзбекистонда Сурхондарё, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида хурмонинг энг ширин сортлари етиштирилади. Ҳозирги

кунда хурмонинг айниқса «шоколад» сортлари кўп учрайди. Грузия, Озарбойжон, Қора денгиз бўйида, Қаснодар ўлкасида, Осиё мамлакатларида хурмо кенг ўстирилади.

Хурмо яхши пишган ҳолда жуда ширин мазага эга бўлади, пишмаган мева тилни қарахт қилиб қўяди. Хурмони узиб, очиқ жойга, муздек ҳавога қўйилса, ўзи секин-аста етилади.

Ширин таъмига қарамасдан, хурмо инсон организмга зарур бўлган жуда кўп моддаларга эга. Микроэлементлар нисбати бўйича бу мева ўлкамизда ўсадиган олмаларга тенгдир. Шу би-

лан бирга А, Р,С витаминлари, кальций, калий, магний, темир, органик кислоталар, оксиллар ва қанд билан бойдир.

Шу билан бирга диетик хусусиятлари боиси ҳамма аҳоли қатламларига белги-ланмаган миқдорда ейиш мумкин. Хурмонинг яна бир яхши хусусияти — бу унинг таркибиде бўлган пектин ошқозон-ичак касалликларига дучор бўлган беморларга фойдалилиги. Таркибидеги кўп миқдорда шакар, асосан глюкоза ва фруктоза бўлиши юрак-қон томир тизими саломатлигини тиклайди, юрак мушакларини озиклантиради.

Витаминларга бой бўлган бу мевани шифокор-диетологлар ҳар бир одамга қиш бўйи кунига битта хурмо ейишни тавсия қилади. Ҳатто косметологлар ҳам хурмодан фойдали никоблар қилишни ўрганган. Мисол учун, ширин хурмодан тухум сариғига қўшиб тайёрланган никоб ёш йигитлар, қизларда учрайдиган хунсўзарларга ёрдам беради.

Хурмо — универсал хусусиятларига эга бўлган мева. Қадимда хурмодан ҳатто ичимликлар ҳам тайёрланган. Олмани майда тўғраб, хурмога қўшиб берилса ҳам, чиройли салат чиқади. Ундан ҳар хил компотлар тайёрлаб, ёз кунларида муздек қилиб ичиш ҳам мумкин. Гўшт, балиқ ёғда қовурганда, хурмо десаерт сифатида берилди. Тўйларимизда ҳам дастурхон маликаси бўлиб, одамларни хушнуд қилади.

**Тоҳир ИБРАГИМОВ,**  
**тиббийёт фанлари доктори, профессор**

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига тақроран Учтепа тумани СИБ томонида:** Учтепа тумани, Халқа йўли кўчаси, 20-уйда сақланаётган 20.04.2008 йилдаги ижро ҳужжатига асосан хатланган "Камаз-5320" русумли, д/р 10AR388 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 6 905 092,64 сўм.

**Аукцион савдоси 2010 йил 7 декабрь кунини 11.00да бўлиб ўтади.** Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипақ йўли банки» Савбон Ф-даги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850., Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.



**Бош муҳаррир**  
**Акмал АКРОМОВ**  
Манзилимиз: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.  
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба*  
*ва жўма кўнакли чиқади.*  
**Нашр кўрсаткичи — 563**  
ISSN 2010-9229

**Газета Тошкент шаҳар**  
**Матбуот ва ахборот**  
**бошқармасида 02-1-рақам**  
**билан рўйхатга олинган.**  
Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилади.  
2612 нускада босилади.  
Қўғал бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамитига — 233-74-05 телефониға мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаохонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5